



ISSN 2091-5187

СЕРВИС

ИЛМИЙ-АМАЛИЙ
ЖУРНАЛ

№4/1

2024



СЕРВИС

ИЛМИЙ-АМАЛИЙ ЖУРНАЛ 2024 йил, 4/1-сони

Муассис: Самарқанд иқтисодиёт ва сервис ин ститутути

Ўзбекистон Матбуот ва ахборот агентлиги томонидан 2008 йил 31 декабрда
0561-рақам билан рўйхатга олинган.

ЎзР ОАК Риёсатининг 19.03.2017 й., 239/5-сонли қарори билан эътироф этилган

**Тахририят ижодий
жамоаси:**

Бош муҳаррир:

и.ф.д., проф. М.Э.Пўлатов

Бош муҳаррир

ўринбосари:

и.ф.н., проф. Д.Х.Асланова

Масъул котиб:

и.ф.д., проф. М.Қ.Пардаев

Муҳаррирлар:

и.ф.д., доцент Ф.А.Сафаров

PhD, доцент И.М.Пардаева

А.Х.Мингбоев

Техник муҳаррир:

и.ф.н., проф. А.Н.Холиқулов

Корректор:

PhD, доц. С.А.Бабаназарова

Саҳифаловчи:

PhD Х.Н.Очилова

1 йилда 4 маротаба

чоп этилади.

Ўзбекистон худудида

тарқатилади.

Тахририят манзили:

140100, Самарқанд шаҳар,

Амир Темур кўчаси, 9-уй,

тел.: +998(66)233-28-38,

+998(97)913-74-40

факс: +998(366)231-12-53

эл.почта:

samisiservis@mail.ru

Тахририят кенгаши раиси:

М.Э.Пўлатов – Самарқанд иқтисодиёт ва сервис
институту ректори, и.ф.д., профессор

Тахририят кенгаши раиси ўринбосари:

Д.Х.Асланова – СамИСИ илмий ишлар ва
инновациялар бўйича проректори, и.ф.н., профессор

Тахрир кенгаши аъзолари:

Б.А.Бегалов – Ўзбекистон Республикаси Президенти
хузуридаги Статистика агентлиги директори, и.ф.д.,
профессор

М.Қ.Пардаев – СамИСИ профессори, и.ф.д.

Б.К.Ғоибназаров – и.ф.д., профессор.

М.М.Мухаммедов – СамИСИ профессори, и.ф.д.

Д.Р.Зайналов – СамИСИ профессори, и.ф.д.

О.М.Муртазаев – ТДИУ СФ директори, и.ф.д., проф.

М.Р.Болтабаев – ТДИУ профессори, и.ф.д.

Р.Х.Эргашев – ҚарМШИ профессори, и.ф.д.

И.С.Тўхлиев – СамИСИ профессори, и.ф.д.

К.Б.Уразов – СамИСИ профессори, и.ф.д.

Қ.Ж.Мирзаев – СамИСИ профессори, и.ф.д.

Б.И.Исроилов – ТДИУ профессори, и.ф.д.

Г.М.Шодиева – СамИСИ профессори, и.ф.д.

Б.Абдукаримов – СамИСИ профессори, и.ф.н.

Р.Қобилов – Самарқанд вилояти ҳокими ўринбосари

С.Н.Тошназаров – СамИСИ профессори, и.ф.д.

Р.Н.Нормахматов – СамИСИ профессори, т.ф.д.

А.Бектемиров – СамИСИ профессори, и.ф.д.

О.М.Пардаев – СамИСИ профессори, и.ф.д.

М.Т.Алимова – СамИСИ профессори, и.ф.д.

З.Дж. Адилова – ТДИУ профессори, и.ф.д.

Ш.О.Қувондиқов – СамИСИ профессори в.б., иқтисод
фанлари доктори

Л.Н.Халикова – СамИСИ профессори, DSc

Ф.А.Сафаров – СамИСИ доценти, DSc

А.М.Каримова – СамИСИ профессори в.б., DSc

МУНДАРИЖА:

НАЗАРИЯ ВА МЕТОДОЛОГИЯ	
Мамаюнус Қаршибаевич Пардаев, Обид Мамаюнусович Пардаев XXI асрда шаклланган янги иқтисодиётлар таркибида креатив иқтисодиётнинг принциплари турларининг назарий масалалари	5
Lola Nazarovna Khalikova, Shamsiddin Kiyamiddinovich Yuldashev Theoretical views of social protection	10
Ибодулла Ҳасанович Ибрагимов, Лариса Алижоновна Мусабаева Касбий компетенцияларнинг синергетик самарадорлиги	13
ИННОВАЦИЯ ВА РАҚАМЛИ ИҚТИСОДИЁТ	
Мамаюнус Қаршибаевич Пардаев, Бехруз Шарофиддин ўғли Усмонов Инновацион ёндашувлар орқали инсон ресурсларини ривожлантириш ва самарадорлигини ошириш йўллари	17
Меҳрангиз Олимовна Мамаюнусова Инновацион иқтисодиёт шароитида камбағалликни қисқартиришнинг “4ГС моделли”нинг моҳияти ва қўлланилиши	22
САНОАТ ВА ҚИШЛОҚ ХЎЖАЛИГИ	
Хайрулла Qilichovich Qarshiboyev Korrelyatsiya va regressiya tahlilini korxonaning iqtisodiy rivojlanishini bashorat qilish usuli	27
Shahnoza Abdirashitovna Po‘latova Oziq-ovqat mahsulotlarini qayta ishlash korxonalarida yashil sertifikatlash va ekologik markirovkalash amaliyotini joriy etishning asosiy yo‘nalishlari	32
Gulzira Ikromali qizi Karimova To‘qimachilik sanoati korxonalarining iqtisodiy salohiyatini “yashillashtirish” orqali oshirish	37
ХИЗМАТ КўРСАТИШ ВА СЕРВИС	
Мурод Мухаммедович Мухаммедов, Зарина Муродовна Мухаммедова, Аллаёр Баротович Шакаров Хизматлар соҳасини давлат томонидан тартибга солиш ва қўллаб-қувватлаш – давлат макроиқтисодий сиёсатининг муҳим йўналиши сифатида	43
Marifat Umarovna Xudoyberdiyeva Savdo xizmatlarining ahamiyati va rivojlanishi	49
Nodirjon Begaliyevich Ravshanov Ta‘lim xizmatlari bozorida oliy ta‘lim muassasalari raqobatbardoshligini ta‘minlash	52
Dildora Haydarjon qizi Shaymardonova Qishloq joylarda avtoservis xizmatlari ko‘rsatuvchi subyektlar samaradorligini oshirish	57
Бехзод Абдумаджитович Суюнов Турар-жой кўчмас мулк бозорида баҳолаш хизматлари самарадорлигини ошириш	59
Akram Abduraxmonovich Azizqulov, Akbar Norboyevich Alimov Husayn Voiz Koshifiy ilmiy merosida ovqatlanish etiketining talqini	66
Faxriddin Azimovich Djalilov Xizmat ko‘rsatish sohasida innovatsion faoliyatni amalga oshirish omillari	69

НАЗАРИЯ ВА МЕТОДОЛОГИЯ

Мамаюнус Қаршибаевич Пардаев – СамИСИ профессори, и.ф.д.

Обид Мамаюнович Пардаев – ЎЗР Иқтисодиёт ва молия вазирлиги департаментининг биринчи ўринбосари, PhD

XXI АСРДА ШАКЛЛАНГАН ЯНГИ ИҚТИСОДИЁТЛАР ТАРКИБИДА КРЕАТИВ ИҚТИСОДИЁТНИНГ ПРИНЦИПЛАРИ ТУРЛАРИНИНГ НАЗАРИЙ МАСАЛАЛАРИ

Аннотация: мақолада креатив иқтисодиёт, унинг индустрияси турлари изоҳининг назарий масалалари қараб чиқилган. Бунда мавзунинг долзарблиги асосланиши жараёнида унинг такомиллашган таърифи ҳам ишлаб чиқилган. Шунингдек, креатив иқтисодиётнинг бешта принципига тўлиқ изоҳ берилган. Мақолада креатив индустриясининг асосий турлари танлаб олинган ва уларнинг ҳам шарҳларига атрофлича тўхталган.

Калит сўзлар: креатив иқтисодиёт, креатив маҳсулот, қонунийлик, очиклик ва шаффофлик, ижод эркинлиги, тенглик; ҳуқуқий муҳофаза, адабий ижод, амалий санъат, ҳунармандчилик, архитектура, лойиҳалаштириш ва аудиовизуал санъат, ижрочилик санъати, мода ва дизайн санъати, музейлар, бадий галереялар, ахборот-кутубхона фаолияти, тасвирий санъат.

Кириш. Жаҳон иқтисодиётида ҳам туб ўзгаришлар содир бўлмоқда. Хусусан, дунё миқёсида жадал ривожланаётган янги соҳалардан бири сифатида креатив иқтисодиёт соҳаси ҳисобланади. Бу борада журналистнинг саволларига Эркин Гадоевнинг жавобида куйидагилар таъкидланган: “БМТ резолюциясига кўра, креатив иқтисодиётни ривожлантиришнинг муҳим йўналишлари, жумладан, креатив иқтисодиётни мустақил тармоқ сифатида қўллаб-қувватлаш, унинг алоҳида статистик ҳисоботини юритиш ва иқтисодиётдаги улушини ошириш назарда тутилган. БМТнинг таҳлилий маълумотларига кўра, маданий ва креатив соҳадаги маҳсулотларнинг дунё ялпи ички маҳсулотидаги ўрни 3,1 фоизни ташкил этади, ҳамда жаҳонда иш билан банд аҳолининг 6,2 фоизи ушбу соҳага тўғри келиб, унинг асосий қатламини ёшлар ташкил этади”¹. Кўрииб турибдики, мазкур масала жаҳон иқтисодиётида ҳам шаклланиб, ўзининг муносиб ўрнини топмоқда.

Бугунги кунда креатив иқтисодиёт мамлакатимиз иқтисодиёти учун ҳам муҳим аҳамиятга эга. Бундан келиб чиқиб, Ўзбекистон Республикасининг 2024 йил 3 октябрда имзоланган “Креатив иқтисодиёт тўғрисида”ги ЎРҚ-970-сонли Қонуни² қабул қилинди. Ушбу қонун Қонунчилик палатаси томонидан 2024 йил 30 сентябрда қабул қилинган. Сенат томонидан 2024 йил 30 сентябрда маъқулланган. Ушбу қонун билан илк бор креатив иқтисодиёт тушунчаси ҳаётимизга кириб келди.

Бунга дунёда содир бўлаётган турли беқарорлик, айрим ҳудудлардаги уруш-жанжаллар, булар оқибатида юзага келган иқтисодий инқирозлар, глобал экологик ўзгаришлар, дунё миқёсида илм-фаннинг тез ривожланиши оқибатида бугунги кунда ҳаётимизга кириб келаётган инновацион жараёнлар дунё миқёсида инсоният ҳаётини тубдан ўзгартириб юбормоқда. Натижада, бир томондан айрим мутахассисликларга эҳтиёж сусайган ҳолда, айрим йўналишлар бўйича янги-янги мутахассисларга эҳтиёж ошиб бормоқда. Оқибатда янги турдаги иқтисодиётга, яъни креатив иқтисодиётга ҳам эҳтиёж ошиб бормоқда. Бу иқтисодиётнинг бир йўналиши “Креатив индустрия” соҳасига ҳам катта эътибор берилиши лозимлиги объектив заруриятга айланди. Чунки, 2024 йилнинг 3 октябрь кuni мамлакатимизда “Креатив иқтисодиёт тўғрисида”ги қабул қилинган қонунда ушбу масала алоҳида қайд этилган. Ушбу ҳолат мавзунинг ўта долзарб масаланинг ечимига бағишланганлигидан далолат бериб турибди.

¹ Креатив индустрия: креатив маҳсулот ва хизматлар бозори ривожланади. ЎЗА муҳбири Норгул Абдураимованинг Эркин Гадоев билан суҳбати. <https://uza.uz/category/business>.

² Ўзбекистон Республикасининг 2024 йил 3 октябрда имзоланган “Креатив иқтисодиёт тўғрисида”ги ЎРҚ-970-сонли Қонуни. Қонунчилик палатаси томонидан 2024 йил 30 сентябрда қабул қилинган. Сенат томонидан 2024 йил 30 сентябрда маъқулланган. 3 октябрь кuni имзоланган.

Тадқиқот методологияси. Мақоладаги креатив иқтисодиёт, унинг индустрияси турлари изоҳининг назарий масалаларини тадқиқ қилишда макон ва замон, индукция ва дедукция, шакл ва мазмун, мантикий ёндашув каби усуллардан фойдаланилган.

Таҳлил ва натижалар. Дунё иқтисодиёти кескин ўзгаришлар даврида яшамоқда. Айниқса XXI асрга келиб, асрлар давомида амал қилиб келаётган иқтисодиётнинг турлари бутунлай янги мазмун ва шаклга эга бўлмоқда. Олдин иқтисодиётимиз битта шакл ва мазмунга эга бўлиб, аста-секинлик билан такомиллашиб келган. Эндиликда эса, унинг нафақат мазмуни, балки шакли ҳам ўзгариб бормоқда. Ушбу асрда кириб келган ва шаклланган иқтисодиётнинг турларига назар соладиган бўлсак, буларнинг турлари анча кўпайиб қолди. Буларнинг турлари қуйидаги расмда келтирилган (1-расм).



1-расм. Дунё иқтисодиётига XXI асрда кириб келган ва шаклланган иқтисодиётнинг турлари

Расмдан кўриниб турибдики, иқтисодиётнинг мазмуни ҳам, шакли ҳам оддий моддийликдан номоддий шаклга эга бўлиб бормоқда. Олдин қўл-оёқ, кейинроқ узок йиллар техника ва технологиялардан фойдаланган бўлса, бугунги кунда иқтисодиёт номоддий характерга эга бўлиб бормоқда.

Эндиликда, бундай иқтисодиётнинг ҳаётимизга кириб келиши, таъкидлангандек, иқтисодиётнинг маҳсулоти фақат моддий неъматлардангина иборат бўлиб қолмасдан, номоддий неъматларни ҳам қамраб олади ва ушбу неъматларнинг яратилиши эвазига мамлакат иқтисодиёти кескин ривожланади. “Халқ сўзи” газетасида Нурбек Ризаевнинг берган маълумотларига кўра “2024 якунида сунъий интелект бозори ҳажми 298 млрд. долларни ташкил этиши кутилмоқда, ҳозирда эса 207 млрд. долларга тенг. Ушбу рақамлар 2030 йилга бориб тахминан 1,84 трлн. долларга етиши мумкин”¹. Ушбу соҳа иқтисодий тизимда жуда сердаромад бўлиб ҳисобланади. Бизнинг ҳисоб-китоблар бўйича унинг даромадлилик даражаси 30-35 фоизни ташкил қилади.

Ҳозирги кунда мамлакатимизда ҳам моддий, ҳам номоддий неъматларни яратишга қаратилган иқтисодиёт шаклланди. Бу иқтисодиёт “Креатив иқтисодиёт”дан иборатдир.

¹ Нурбек Ризаев. Ёрқин келажак учун “Ақилли” технологиялар. // “Халқ сўзи” газетаси. 2024 йил 31 октябрь. 223-сон. – 1 ва 4 бетлар.

Мазкур иқтисодиёт тури халқаро миқёсда қўлланилиб келинмоқда ва айрим тажрибаларга ҳам эга. Жумладан, “Фарбий Европа ва АҚШда “креатив шаҳарлар” деб аталадиган концепция бир неча ўн йиллар давомида ривожланиб келмоқда. Бу концепция креатив индустрияни қўллаб-қувватлашга асосланган, чунки ижодкорлар синфининг ижоди шаҳарларга қаратилган”¹. Бу борада АҚШ, Европа ва жаҳоннинг бир қанча мамлакатларида маълум тажрибалар ҳам тўпланган.

Хусусан, “Индонезияда “Креатив иқтисодиёт тўғрисида”ги қонун қабул қилинган бўлиб, Туризм ва креатив иқтисодиёт вазирлиги ташкил этилган. Умумий қиймати 1 миллиард доллар бўлган 15 та стартап лойиҳа амалга оширилиб, креатив иқтисодиётнинг ялпи ички маҳсулотдаги улуши 7 фоизга етган”². Худди шундай ҳолат Европанинг бошқа давлатларида ҳам рўй бермоқда. Масалан, “Англияда 2035 йилгача инновациялар стратегияси қабул қилинган бўлиб, ҳозирда креатив индустрияларда 2,1 миллион нафар киши фаолият юритиб, креатив иқтисодиётнинг ялпи ички маҳсулотдаги улуши 5,8 фоизни ташкил этмоқда”³. Ушбу масала МДХга қарашли давлатларда ҳам ўз ўрнига эга бўлиб бормоқда. Масалан, “Россияда Креатив иқтисодиётни ривожлантириш маркази ва 20 та креатив иқтисодиёт йўналишлари бўйича кадрларни тайёрлайдиган Универсал университет ташкил этилган. Стратегик ташаббуслар агентлиги томонидан ишлаб чиқилган “Креатив индустрияни ривожлантириш тўғрисида”ги қонун мавжуд”⁴. Ушбу масала мамлакатимизда ҳам ривожланмоқда. Қаранг, “Бугунги кунда мамлакатимизда креатив индустрия соҳасига оид 9,6 минг корхона мавжуд. Уларда 84 минг нафар ходим фаолият кўрсатмоқда (205 та IT-марказ, 100 та дизайн маркази, 60 та анимацион суратлар маркази, 30 та ўйинлар ишлаб чиқиш маркази ва 20 дан ортиқ санъат галереяси бор). Шунингдек, 28 минг нафар хунарманд ушбу йўналишда фаолият юритмоқда”⁵.

Кўриниб турибдики, мазкур соҳада мамлакатимизда ҳам ягона ҳуқуқий базани яратишни объектив заруриятга айланди. Чунки, креатив иқтисодиёт индустрияси бизда ҳам шаклланган эди. Аммо уларни бундай ном билан аталмас эди. Энди халқаро тажрибалардан келиб чиқиб, ҳар бир нарсани ўз номи билан аташ лозим, деган хулосага келинди. Ушбу заруриятдан келиб чиқиб, креатив соҳаларни аниқ белгилаш зарурияти ҳам олға сурилди. Чунки ушбу соҳа асосан номоддий бўлсада уларнинг ялпи ички маҳсулотдаги улушини ошириш ва ҳисоблаб боришни талаб этиладиган бўлди. Шу муносабат билан мамлакатимизда ҳам, юқорида таъкидланганидек, “Креатив иқтисодиёт тўғрисида”ги қонун ишлаб чиқилди ва 2024 йил октябрь ойидан амалиётга тадбиқ этилди.

Креатив иқтисодиёт тўғрисидаги қонунда ушбу тушунчанинг мазмуни ёритилган. Унда эътироф этилишича :“**креатив иқтисодиёт** — ижодиёт, интеллектуал қобилият, шунингдек инновацияларга ҳамда технологияларга асосланган инсон салоҳияти натижасида, иқтисодий қимматга эга бўлган товарларни (ишларни, хизматларни) яратишга қаратилган иқтисодиёт тармоғи”⁶, деган изоҳ берилган. Ушбу тушунча Креатив иқтисодиётнинг таърифини ишлаб чиқиш учун методологик асос бўлиб ҳисобланади.

Креатив иқтисодиётга бир гуруҳ олимлар қуйидагича таъриф ишлаб чиққан эдик. “**Креатив иқтисодиёт** деганда, мавжуд иқтисодиётни янгича ёндашув, янги ғоялар билан такомиллаштириб, унинг янги-янги йўналишларини барпо этиш мақсадида, янгича фикрлаш асосида, инсон тафаккурида шаклланган ва амалиётда ўз тасдиғини топган янги иқтисодиёт тушунилади”⁷. Буларни умумлаштирган ҳолда мазкур тушунчанинг таърифи назарий жиҳатдан такомиллаштирилди. **Креатив иқтисодиёт деганда, янги ғояларни ишлаб чиқиш салоҳиятига эга бўлган инсонлар томонидан иқтисодий жараёнга**

¹ Ботир Усмонов, Нима учун креатив иқтисодиёт? 07. ноябрь 2024. Телеграмнинг “Халқ сўзи” сайтида.

² Креатив индустрия: креатив маҳсулот ва хизматлар бозори ривожланади. ЎЗА мухбири Норгул Абдураимованинг Эркин Гадов билан суҳбати. <https://uza.uz/category/business>.

³ Ўша жойда.

⁴ Ўша жойда.


⁵ Ўша жойда.

⁶ Ботир Усмонов, Нима учун креатив иқтисодиёт? 07. ноябрь 2024. Телеграмнинг “Халқ сўзи” сайтида..

⁷ Мамаюнус Пардаев, Мурод Муҳаммедов, Обид Пардаев. Иқтисодиётнинг турлари ва таърифлари. // <https://telegra.ph/I%D2%9Btisodiyotning-turlari-va-tariflari-07-08-2>. 2666. 12.02. 7 август 2024 йил.

ижодий ёндошган ҳолда, моддий ва номоддий товарларни (ишлар, хизматларни) яратадиган иқтисодиёт соҳаси тушунилади. Ушбу тушунча бир қанча йўналишларни камраб олади. Биринчидан, янги ғояларни ишлаб чиқиш ҳақида кетмоқда. Бунда янгиланишлар асосан технологияларда эмас, балки ғояларда намоён бўлади. Иккинчидан, бундай интеллектуал салоҳиятига эга бўлган инсонларнинг мавжуд бўлишлигини тақозо қилади. Бу дегани жамиятда билимдон аҳоли қатлами аҳолининг асосий қисмини ташкил қилишлиги лозим. Учинчидан, бундай интеллектуал салоҳиятга эга бўлган инсонлар томонидан иқтисодий жараёнга иждоий ёндошган ҳолда, моддий ва номоддий товарларни (ишлар, хизматларни) яратадиган бўлади. Шу тариқа замонавий креатив иқтисодиёт шакллантирилади.

Креатив иқтисодиёт ҳам бошқа иқтисодиётлар сингари бир қанча принципларга эга. Бу “Креатив иқтисодиёт тўғрисида”ги қонунда эътироф этилишича қуйидаги принципларга асосланади (2-расм)



2-расм. Креатив иқтисодиётнинг принциплари

Расмдан кўриниб турибдики, креатив иқтисодиёт ҳам иқтисодиётнинг бошқа турлари каби бир қанча принципларга асосланади. Буларни қуйидагича изоҳлаш мумкин.

Биринчи, принцип **қонунийлик** бўлиб, мазкур соҳадаги муносабатлар Ўзбекистон Республикаси Конституциясига, ушбу “Креатив иқтисодиёт тўғрисида”ги Қонунга ва бошқа қонунчилик ҳужжатларига мувофиқ амалга оширилиши кўзда тутилган. Жамиятда бирорта жараён ёки ҳодисалар маълум қонунларга асосан амалга оширилсагина, унда тартиб ва интизом бўлади. Интизом йўқ жойда бирорта қонуний муваффақиятга эришиш қийин.

Иккинчи принцип, **очиқлик ва шаффофлик** принципига амал қилиш билан ўзига хосдир. Креатив иқтисодиёт соҳасидаги ахборот албатта очиқ ва шаффоф бўлиши кераклиги ҳам ҳаётий заруриятдир. Шунини инобатга олиш жоизки, бундан давлат сирларини ташкил этувчи ҳамда ошкор этилиши қонун билан чекланган ахборот мустасно. Ушбу қонуннинг 6-моддасида “Давлат органлари креатив индустрия субъектлари учун давлат ҳокимияти ва бошқаруви органлари фаолиятининг очиқлиги, шунингдек ахборотдан фойдаланиш кафолатлари ва эркинлиги тўғрисидаги қонунчиликда назарда тутилган усулларда ахборот олиш ва ундан эркин фойдаланиш шароитларини яратиши шарт”лиги белгиланган.

Учинчи принцип, **ижод эркинлиги** ҳисобланади. Мазкур қонуннинг 7-моддасида креатив иқтисодиёт илмий, техникавий ва бадиий ижод эркинлигига асосланишига ҳам изоҳ берилган. Бунда эътироф этилишича, “Барча шахслар креатив индустрия соҳаларини танлашда ва уларнинг бир ёки бир нечасида фаолият олиб боришда, шунингдек креатив маҳсулот яратишда эркиндир”. Маълумки, барча соҳаларда ижод эркинлиги таъминланган. Бунда ҳам ижод эркинлиги бошқа шахсларнинг шаъни, қадр-қиммати ва ишчанлик обрўсига зарар етказишга, қонунга хилоф ҳатти-ҳаракатларни амалга оширишга ундашга

ёки тарғиб қилишга қаратилмаслиги, ҳамда ижтимоий қоидаларига зид бўлмаслиги керак.

Тўртинчи принцип, **тенглик** бўлиб ҳисобланади. Креатив иқтисодиёт субъектлари ўз фаолиятини амалга оширишда, шу жумладан давлат томонидан тақдим этиладиган қўллаб-қувватлаш чораларидан ва инфратузилмадан фойдаланишда тенглик тўлиқ таъминланган бўлиши шарт

Бешинчи принцип ҳам бошқа соҳалар сингари, **креатив маҳсулотнинг ҳуқуқий муҳофаза қилиниши** таъминлашдан иборатдир. Креатив маҳсулот интеллектуал ва ижодий фаолият натижаси бўлиб, бу ҳам қонунчиликка мувофиқ муҳофаза қилинади.

Фойдаланилган адабиётлар рўйхати:

1. Ўзбекистон Республикасининг 2024 йил 3 октябрда имзоланган “Креатив иқтисодиёт тўғрисида”ги ЎРҚ-970-сонли Қонуни. Қонунчилик палатаси томонидан 2024 йил 30 сентябрда қабул қилинган. Сенат томонидан 2024 йил 30 сентябрда маъқуланган. 3 октябрь куни имзоланган.
2. Мамаюнус Пардаев, Мурод Муҳаммедов, Обид Пардаев. Иқтисодиётнинг турлари ва таърифлари. // <https://telegra.ph/I%D2%9Btisodiyotning-turlari-va-tariflari-07-08-2>. 2666. 12.02. 7 август 2024 йил.
3. Ботир Усмонов, Нима учун креатив иқтисодиёт? 07. ноябрь 2024. Телеграмнинг “Халқ сўзи” сайтида.
4. Мирҳабиб Сайфуллаев. Креатив иқтисодиёт – барқарор ривожланиш гарови. // https://uza.uz/uz/posts/kreativ-iqtisodiyot-barqaror-rivozhlanish-arovi_644945.
5. Креатив индустрия: креатив маҳсулот ва хизматлар бозори ривожланади. ЎЗА мухбири Нормул Абдураимованинг Эркин Гадов билан суҳбати. <https://uza.uz/category/business>.
6. Мадина Дурман. Ўзбекистон учун ижодий иқтисодиёт жуда муҳимлиги ва бунинг сабаблари айтилди. // <https://daryo.uz/>
7. Мамаюнус Пардаев. КРЕАТИВ ИҚТИСОДИЁТНИНГ ТАЪРИФИ ВА ПРИНЦИПЛАРИ. // <https://telegra.ph/KREATIV-I%D2%9ATISODIYOT-NING-TARIFI-VA-PRINCIPLARI-11-10>. SamTVR IMTRK/. 2024.11.10 540. 12:48. – 0,2 б.т.
8. Мамаюнус Пардаев. КРЕАТИВ Индустрия соҳалари ва уларнинг мазмуни. // <https://telegra.ph/KREATIV-INDUSTRIYA-SO%D2%B2ALARI-VA-ULAR-NING-MAZMUNI-11-11> SamTVR IMTRK/. 2024.11.11 552. 8:42. – 0,2 б.т.
9. Тухлиев Искандар Сунонович. Ўзбекистонда креатив туризмни ривожлантириш хусусиятлари. <https://telegra.ph/%D0%8EZBEKISTONDA-KREATIV-TURIZMNI-RIVOZHLANIRISH-HUSUSIYATLARI-11-11>. SamTVR IMTRK/. 2024.11.11 161. 20:37. – 0,2 б.т.
10. Ризаев Нурбек. Ёрқин келажак учун “Ақилли” технологиялар. // “Халқ сўзи” газетаси. 224 йил 31 октябрь. 223 сон. – 1 ва 4 бетлар.

<p style="text-align: center;">М.Пардаев, О.Пардаев</p> <p style="text-align: center;">Теоретические вопросы типов и принципов креативной экономики в рамках новых экономик, сформированных в XXI веке</p> <p>Аннотация: в статье рассматриваются теоретические вопросы креативной экономики и виды ее индустрии. При этом в процессе обоснования актуальности темы было разработано ее уточненное определение. Также подробно объяснены пять принципов креативной экономики. В статье выделены основные виды креативной индустрии и подробно рассмотрены их обзоры.</p> <p>Ключевые слова: креативная экономика, креативный продукт, законность, открытость и прозрачность, творческая свобода, равенство, правовая защита, литературное творчество, прикладное искусство, ремесла, архитектура, дизайн и аудиовизуальное искусство, исполнительское искусство, мода и дизайнерское искусство, музеи, художественные галереи, информационно-библиотечная деятельность, изобразительное искусство.</p>	<p style="text-align: center;">M.Pardaev, O.Pardaev</p> <p style="text-align: center;">Theoretical issues of types and principles of creative economy within the framework of new economies formed in the 21st century</p> <p>Abstract: The article examines theoretical issues of the creative economy and the types of its industry. At the same time, in the process of substantiating the relevance of the topic, its clarified definition was developed. The five principles of the creative economy are also explained in detail. The article highlights the main types of creative industry and examines their reviews in detail.</p> <p>Keywords: creative economy, creative product, legality, openness and transparency, creative freedom, equality, legal protection, literary creativity, applied arts, crafts, architecture, design and audiovisual arts, performing arts, fashion and design arts, museums, art galleries, information and library activities, fine arts.</p>
--	---

ISSN 2091-5187

☞ “СЕРВИС” ☞

Журнал Самарқанд иқтисодиёт ва сервис институти таҳририят
бўлимида нашрга тайёрланди.

20.11.2024 йилда теришга берилди. 05.12.2024 йилда босишга рухсат этилди.
Офсет босма қоғози. Қоғоз бичими 60x84_{1/8}. “Times” гарнитураси. Офсет
босма усули. Шартли босма табағи 15,76. Ҳисоб-нашриёт
табағи 13,75. Адади 100 нусха. Буюртма № 0134А/24

Самарқанд иқтисодиёт ва сервис институтининг
матбаа бўлимида чоп этилди.
Лицензия № 025316.
Реестр № Х-119112.

Манзил: Самарқанд шаҳри, Шохрух кўчаси, 60-уй.

© Самарқанд иқтисодиёт ва сервис институти, 2024.